## Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

| **“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Диарея касаллигини қўзғатувчи *Clostridium difficile* микроорганизмининг биомаркерларга асосланган диагностик панелини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Диарея касаллигини қўзғатувчи *Clostridium difficile* микроорганизмининг биомаркерларга асосланган диагностик панелини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- *Clostridium difficile* микроорганизмини биомаркерлар таҳлил усуллари мўътадиллаштирилиб, клиник аҳамиятини янги методлар билан ўрганиш ва жараённи боришига таъсир этувчи асосий таҳлил қилинади;<br>- қўзғатувчини биологик хусусиятлари атрофлича ўрганилиб, аниқлашнинг осон ва қулай методлари ишлаб чиқилади;<br>- ўхшаш микроорганизмлар билан алоҳида тур белгиси ва хусусиятларига кўра дифференциация қилиш, синовларини тўлиқ якунлаш ва зарур меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрланади;<br>- биологик материал олиш ва микроорганизмлар биоколлекцияси яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижасида биомаркерлар таҳлил усуллари мўътадиллаштирилиб, улар асосида янги диагностик панел ишлаб чиқилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,9 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,9 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Ичак микробиотларининг бузилишини замонавий диагностика қилиш асосида дисбактериозни индивидуал даволаш усулини ишлаб чиқиш   | **Тадқиқот шакли:** Ичак микробиотларининг бузилишини замонавий диагностика қилиш асосида дисбактериозни индивидуал даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- юқумли, паразитар ва соматак касалликларда ичак микробиотаси касалликларини ташхислашнинг иммуно-микробиологик ва геном экспресс панели яратилади;<br>- доминант бифидобактерияларни ва организмнинг иммунореактивлик даражасига асосланган даволаш тизими ишлаб чиқилади;<br>- олинган натижаларга асосланиб, янги, маҳаллий пробиот дори воситаси яратилади;<br>- иммуно-микробиологик ва геном технологиялари асосида ичак микробиотасини ўзгаришини тизимли даволаш усули ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,8 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида ишлаб чиқилган фиксацион кегай-стерженли қурилма асосида даво-диагностик алгоритмлар ва ташқи остеосинтез усулларини яратиш   | **Тадқиқот шакли:** Чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида ишлаб чиқилган фиксацион кегай-стерженли қурилма асосида даво-диагностик алгоритмлар ва ташқи остеосинтез усулларини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида ишлатиш учун зангламайдиган пўлатдан қурилма ясалади;<br>- ясалган қурилма чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида фойдаланилади;<br>- чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида ишлаб чиқилган фиксацион кегай-стерженли қурилма асосида даво-диагностик алгоритмлар ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида ҳамда травматология тиббий муассасаларида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,7 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,7 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Онкоген тўқималарининг патологик трансформацияси хавфини ҳисобга олган ҳолда жинсий аъзолардаги фон касалликларининг даволаш усулларини ишлаб чиқиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Онкоген тўқималарининг патологик трансформацияси хавфини ҳисобга олган ҳолда жинсий аъзолардаги фон касалликларининг даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- жинсий аъзоларнинг фон касалликлари (вулва ва жинсий олат склероатрофик лихени, аралаш дистрофия, лейкоплакия ва генитал сохада жойлашган бошқа дерматозлар)ни даволашнинг бир неча усуллари ишлаб чиқилади;<br>- саратон бўлмаган генитал касалликларпинг сабаблари ва оғирлигиии баҳолаш натижасида башорат мезонлари ва гуруҳлар бўйича даволаш тизими яратилади;<br>- касалликнинг тизимли ёндашувга асосланган ташхислаш алгоритми яратилади;<br>- беморлар ёши, ёндош касалликлари, яллиғланиш компоненти мавжудлиги, касаллик кўриниши ва зарарланган тўқималарнинг регенератив потенциалига асосланган даволаш усуллари яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Республикада ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббий марказида синовдан ўтказилади ва олинган натижалар туман, вилоят ва республика дерматовенсрологик, гинекологик ва онкологик муассасаларда амалиётга жорий этилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,6 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,6 млрд сўм** |

***_Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган._**